



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRINING  
BUYRUG‘I**

**SHNQ 2.08.07-22 “Nogironligi bo‘lgan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan ta’lim muassasalari binolarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasining Shaharsozlik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 18-apreldagi PQ–209-son “Ko‘zi ojiz va zaif ko‘ruvchi bolalar uchun ixtisoslashtirilgan maktab-internatlarda ta’lim berish sifatini oshirish hamda ular faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. SHNQ 2.08.07-22 “Nogironligi bo‘lgan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan ta’lim muassasalari binolarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalarini ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi raisining 2009-yil 25-martdagi 37-son “SHNQ 2.08.07-09 “Imkoniyati cheklangan bolalar va o‘smirlar uchun maxsus o‘quv-tarbiya muassasalari” shaharsozlik normalari va qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, Maktabgacha ta’lim vazirligi hamda Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Қурилиш вазири**

Тошкент ш.  
2022 йил 24 август,  
148 сон



**Zakirov B. I.**

Келишилди:

**Ўзбекистон Республикаси  
Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат  
саломатлиги хизмати бошлиғи**

Тошкент ш.  
2022 йил 22 август,  
**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 23 август,

**Вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 23 август,

**Мактабгача таълим вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 19 август,

**Ўзбекистон Республикаси  
Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат  
саломатлиги хизмати бошлиғи**

Тошкент ш.  
2022 йил 21 июнь,  
**Вазирнинг биринчи ўринбосари**

Тошкент ш.  
2022 йил 02 июнь,



**Юсупалиев Б. К.**

**Тошқулов А. Х.**

**Saidov B. O.**

**Shin A. V.**

**Юсупалиев Б. К.**

**Вазирнинг биринчи ўринбосари**

**Вазирнинг биринчи ўринбосари**

Тошкент ш.  
2022 йил 03 июнь,

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 23 июнь,

**Вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 25 июнь,



**Шарифходжаев У. У.**



**Тошқулов А. Х.**



**Saidov B. O.**

Ўзбекистон Республикаси  
қурилиш вазирининг 2022 йил  
24 августдаги 148-сон буйруғига  
ИЛОВА

**ШНҚ 2.08.07-22 “Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари**

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар), шунингдек кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти (бундан буён матнда ихтисослаштирилган таълим муассасалари деб юритилади) биноларини лойиҳалаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари ушбу ШНҚ билан бир вақтда ҚМҚ 2.01.01, ҚМҚ 2.01.03, ҚМҚ 2.01.04, ШНҚ 2.07.02 ҳамда ШНҚ 2.08.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштириш топшириғига асосан лойиҳаланиши лозим.

2. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари қуйидагича ихтисосликлар бўйича лойиҳалаштирилади:

эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган, соқов ва кар-соқов болалар учун;

кўришда нуқсони бўлган болалар учун;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар (болалар церебрал фалажи, сколиоз, полиомиелит, миопатия, остеомиелит, ампутация, бўй ўсишининг етишмовчилиги — паканалик) учун;

интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун.

3. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари икки қаватдан юқори бўлмаслиги, кўришда нуқсони бўлган ва ҳаракат функциялари бузилган болалар учун мўлжалланган хоналарнинг 60-80% биринчи қаватда жойлаштирилиши керак.

Бунда, иккинчи қаватларда ўқитувчилар ва маъмурият учун хоналар кўзда тутилиши мумкин.

4. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари уларнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга мос келиши, шунингдек барча турдаги муҳандислик таъминоти (электр энергияси, газ, иссиқлик, сув ва алоқа таъминоти, канализация, автоматик сигнализация) эга бўлиши, ёнғин хавфсизлиги талабларига, санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига жавоб бериши лозим.

**2-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар**

5. Ушбу ШНҚда қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар”;

ШНҚ 2.01.02-04 “Биолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”;

ҚМҚ 2.01.03-2019 “Сейсмик ҳудудларда қурилиш”;

ҚМҚ 2.01.04-2018 “Қурилиш иссиқлик техникаси”;

ҚМҚ 2.01.05-2019 “Табиий ва сунъий ёритиш”;

ҚМҚ 2.01.08-2019 “Шовқиндан ҳимоялаш”;

ҚМҚ 2.04.05-97 “Исситиш, шаммолатиш ва кондиционерлаш”;

ШНҚ 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш”;

ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш”.

ШНҚ 2.08.02-09 “Жамоат бино ва иншоотлари”;

СанҚваН № 0313-14 “Жисмоний ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш, жиҳозлаш, сақлаш ва таълим бериш режимлари бўйича санитария қоидалари”;

СанҚваН № 0266-09 “Ногиронлар ва аҳолининг болалар ва катта ёшдаги камҳаракат гуруҳлари фойдаланадиган турар жой ва жамоат биноларини, яшашга мўлжалланган бошқа жойларни лойиҳалаштириш ва қуришнинг санитария қоидалари ва нормалари”;

СанҚваН № 0020-22 “Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари”.

### **3-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудларига қўйиладиган талаблар**

#### **1-§. Умумий талаблар**

6. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари аҳоли яшаш пунктларида, саноат ва коммунал корхоналари, темир йўллар, серкатнов автомобиль йўлларида, шунингдек ифлосланиш, радиомагнит ва нурланиш манбааларидан узоқликда, чанг-шамол ва шовқин таъсиридан ҳимояланган, санитария нормалари ва қоидалари ҳамда ШНҚ 2.07.01 талабларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида ер участкаларида (бошқа турдаги таълим ва тарбия ташкилотларидан ажратилган ҳолда) жойлаштирилади.

7. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини кўчаларнинг қизил чизиғига нисбатан жойлаштирилиши ШНҚ 2.07.01 га мувофиқ амалга оширилади.

Болаларни тарбиялаш ва ўқитиш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари бинолари яқинидаги шовқин даражаси 60 dB дан ошмаслиги лозим.

Жамоат транспорти ва автомобиль тўхташ жойларига етиб бориш масофасини 200 m атрофида таъминлаш тавсия этилади.

8. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ер участкаларининг майдонлари ҳар битта бола учун қуйидаги ўлчамларда кўзда тутилади:

эшитиш ва нуткида нуқсонлари бўлган болалар учун 45–50 m<sup>2</sup>;

кўришда нуқсони бўлган, шунингдек, ақли заиф болалар учун – 60 m<sup>2</sup>;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун – 65 m<sup>2</sup>.

9. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ер

участкаларининг майдонлари куйидаги ўлчамларда кўзда тутилади:

сиғими 200 ўрингача бўлганда, ҳар битта бола учун – 110–120 м<sup>2</sup>;

сиғими 200 ўриндан кўп бўлганда, ҳар битта бола учун – 75–90 м<sup>2</sup>.

10. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ҳудудларини лойиҳалашда ШНҚ 2.07.01, ШНҚ 2.07.02, СанҚваН №0266-09 талаблари ҳисобга олиниши лозим.

11. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг бинолари, шунингдек биноларнинг асосий хоналари деразаларининг йўналиши (уфқ томонлари бўйича) 1-жадвалга мувофиқ кўзда тутилиши лозим. Яшаш хоналари учун мақбул йўналиш жанубий йўналиш ҳисобланади.

1-жадвал

Хоналар	Деразалар йўналиши	
	мақбул	йўл қўйилади
Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг гуруҳ хоналари, машғулотлар учун синфлар, логопедия хонаси, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) ухлаш хоналари	жануб, жануб-шарқ, шарқ	
Биология лабораторияси	жануб, жануб-шарқ, шарқ	жануб-ғарб
Шифокор хоналари (окулист, педиатор, психиатор), плеопто-ортоптик хона	шимол	шарқ, шимол-шарқ, шимол-ғарб
Расм чизиш, ҳайкалтарошлик билан шуғулланиш учун хоналар	шимол	
Овқатланиш блоки хоналари	шимол	
Тиббий муолажа хоналари, физиотерапия хоналари	шимол, шимол-шарқ	шарқ, шимол-ғарб
<i>Изоҳ: Жадвалда кўрсатилмаган хоналарнинг деразалари йўналишларига нисбатан талаблар белгиланмайди.</i>		

## 2-§. Ҳудудларни зоналаштириш

12. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудлари ундаги корпуслар (блоклар) ва ўқув-рекреацион иншоотлар ўртасидаги қулай алоқаларни ҳисобга олган ҳолда зоналаштирилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ҳудудларида жисмоний тарбия-спорт, ўқув-амалиёт, рекреация (дам олиш) ва хўжалик зоналари кўзда тутилади.

Зоналар ва бинолар орасидаги ҳаракатланиш қулайлигига эришиш мақсадида қуйидаги ўзаро алоқалар таъминланиши лозим:

дам олиш, жисмоний тарбия, спорт ва реабилитация зоналарини – спорт заллари ва тиббий хоналар билан;

ўқув-амалиёт зонасини – катта синфлар ўқув хоналари блоки билан;

рекреация ва дам олиш зоналарини – турар жой хоналари блоклари (тегишли ёшдаги гуруҳлар) билан.

13. Дам олиш зонаси ўқувчиларнинг турли ёшдаги гуруҳлари учун рекреацион ва ўйин майдончаларини ўз ичига олади, бунда турар жой ва ўқув блокларидан чиқишлар ўзаро қулай

боғланиши керак.

Рекреацион майдончалар кенглиги 4–6 m бўлган, “сайр қилиш йўлагини” ҳосил қилувчи, шаффоф материаллар билан қопланган соябонлар ёрдамида ҳимояланиши лозим.

14. Ўқув-амалиёт зонасида очиқ ҳаводаги ўқув-машғулот майдончаларини (гидрометеомайдонча, иссиқхона, зоопавильон, боғдорчилик ва полиз-реза ўсимликлари учун участкалар) хўжалик зонасидан камида 25 m масофада жойлаштириш тавсия этилади.

15. Хўжалик зонасига талаблар, хўжалик иморатлари ва техник объектлар таркиби (гараж, савзавот сақлаш омборхонаси, ҳожатхона ва бошқа объектлар) лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

Ахлат контейнерлари учун майдонча атроф муҳитга салбий таъсирини истисно қилишини ҳамда чиқиндини чиқариш учун машина киришини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим. Ушбу майдончалардан бино деразалари ва кириш жойларигача, жисмоний тарбия ва рекреацион майдончаларигача камида 25 m бўлиши лозим.

### **3-§. Худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш**

16. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари худудларида ҳавонинг зарур намлиги таъминланиши, дам олиш жойлари ташкил этилиши, жисмоний тарбия майдончалари, чиқинди тўплаш ва хўжалик майдончалари кўзда тутилиши лозим.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг худудларида куйидаги ободонлаштириш элементларини кўзда тутилади:

гуруҳ (сайр қилиш) ва ўйин майдончалари;

спорт (жисмоний тарбия) ва гимнастика майдончалари;

соғломлаштириш ва бассейн майдончалари;

хўжалик майдончаси.

17. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг худудлари ободонлаштирилиши, кўкаламзорлаштирилиши ва суғориш тизимига эга бўлиши, пиёдалар йўлакчалари ва майдончалари каттиқ қопламага эга бўлиши лозим.

18. Яшил майдонлар ихтисослаштирилган таълим муассасалари худудининг камида 40%ни ташкил этиши керак. Кўкаламзорлаштиришда заҳарли мевалари бўлган ўсимликларни, шунингдек нохуш хидли, аллерген ўсимликларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Кўкаламзорлаштириш ишлари хоналар, рекреация ва дам олиш жойлари, ўйин, спорт (жисмоний тарбия) майдончалари инсоляциясининг санитария талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

Дарахтлар, одатда, бинолар деразаларидан 10 m дан яқинроқ бўлмаган масофада экилиши лозим.

Кўришда нуқсони бўлган болаларнинг ҳаракатланишини йўналтириш учун кўкаламзорлаштиришнинг махсус усулларида ва ўсимликларнинг декоратив сифатларидан фойдаланиш тавсия этилади.

19. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти худудидаги ободонлаштириш элементлари таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚга 1-иловада назарда тутилган.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) худудидаги ободонлаштириш элементлари таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 2-иловасида белгиланган.

#### **4-§. Йўлаклар ва кириш-чиқиш жойлари**

20. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг худудларидаги йўлаклар ШНҚ 2.07.02 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

21. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг биноларига олиб келадиган асосий кириш ва транспорт йўлакларининг кенглиги камида 3,0-3,6 м, бошқа йўлакларнинг кенглиги камида 2,4 м бўлиши лозим.

22. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг пиёдалар ва транспорт воситалари учун кириш жойлари назорат қилиш воситалари (видеокузатув воситалари, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари) билан жиҳозланиши керак.

Тўсиқ деворларнинг типи ва баландлиги ҚМҚ 2.07.03 га мувофиқ лойиҳалаштириш топшириғи билан белгиланади.

23. 100 ўрингача бўлган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг худудида ўт ўчириш машиналари учун битта кириш, 100 ўриндан кўп бўлганда – иккита кириш жойлари (участканинг турли томонларидан) кўзда тутилиши лозим.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг атрофида бино деворларидан камида 5 м масофада ёнғин-қутқарув машиналари учун айланиб ўтадиган йўлаклар кўзда тутилиши лозим.

24. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари худудларидаги йўлаклар, хиёбонлар ва майдончалар ёритилиши даражаси камида 6 lx ни, асосий майдончалар ва кириш худудларида – камида 10 lx ни ташкил қилиши лозим.

25. Кўриш қобилиятини қисман йўқотган болалар учун очик бассейнлар ҳамда ўйин майдончалари периметрлари бўйлаб камида 1,2 м кенликда йўналтирувчи (огоҳлантирувчи) тактил чизиқлар ўрнатилиши зарур.

Очик бассейн ховузларининг периметри бўйича баландлиги 1 м дан кам бўлмаган тутқичли тўсиқларни кўзда тутиш лозим.

26. Қарама-қарши ҳаракатга эга пиёдалар йўлакларининг кенглиги камида 2,0 м бўлиши, бўйлама нишаблик 5%дан ошмаслиги керак.

Пиёдалар йўлаклари ер ёки газон сатҳидан 5-7 см баландликда, қаттиқ текис қопламага эга бўлиши лозим.

Йўлакларнинг чеккаларида йўл қопламаси билан ранги, акустик ва механик хоссалари бўйича фарқланадиган бордюро тош ёки бошқа материалдан бажариладиган тўсиқлар бўлиши керак. Йўлакларда баландлиги 55-60 см бўлган тутқичли тўсиқлар бўлиши керак.

#### **5-§. Реабилитация, ўйин, жисмоний тарбия ва бошқа мақсадлардаги майдончалар**

27. Реабилитация учун гимнастика майдончаларида куйидаги қўшимча ускуна кўзда тутилади:

турли қопламаларга (қум, тош ёки ўт) ўрнатиладиган, узунлиги 3–5 м бўлган бруслар;

мустақил ҳаракатланишга қодир бўлмаган болалар учун ўлчами 2 x 3 м бўлган манеж;

сув ёки рангли пластик тўпчалар билан тўлдириладиган, шишириладиган, ўлчами 2 x 3 м дан



кам бўлмаган бассейн.

28. Кичик ёшдаги ногиронлиги бўлган болалар учун ўйин майдончалари кумдонлар ва махсус ишлаб чиқилган кўтарилиб турувчи ёки унча баланд бўлмаган қурилмалар билан жиҳозланиши, нишаб юзалар бўйича ногиронлик аравачаларида чиқиш-тушиш ёки уларни ҳайдаш учун жойлар кўзда тутилиши керак.

29. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳудудида ҳар бир гуруҳ (синф) учун (10-12 киши) камида 36–40 м<sup>2</sup> ўлчамли соябон ўрнатилган майдончалар назарда тутилиши керак. Шунингдек, икки томондан тўсилган соябонларда ўйин ва боғ анжомларини сақлаш учун омборхоналар (6 м<sup>2</sup>) бўлиши керак.

30. Майдони 20–30 м<sup>2</sup> бўлган болалар чўмиладиган бассейнларни ўрнатиш лойиҳалаштириш топшириғида кўзда тутилади. Чўмилиш бассейнлари шишириладиган бассейнлар билан алмаштирилиши мумкин.

31. Спорт (жисмоний тарбия) майдончалари таркибида гимнастика ва спорт ўйинлари учун майдончалар, кичик ўлчамли мактаб спорт ядроси жойлаштирилади.

32. Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган “городки”, “чиллак” каби ўйинлар учун универсал майдончалар (450 м<sup>2</sup>), стол тенниси, махсус ускунали (коррекцияловчи жиҳозлар, қайишқоқ қопламалар билан) гимнастика майдончалари кўзда тутилиши керак.

Бунда, майдончалар атрофида ўйин майдони чегарасидан 2,5–3,0 м масофада тўсиқлар ўрнатилиши керак.

33. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) реабилитация зоналари (шу жумладан, даволаш-гимнастика майдончалари, терренкур, солярий) зарур инсоляцияни ҳисобга олган ҳолда жойлашиши лозим.

Тиббий хоналар блокидан реабилитация майдонларигача масофа, одатда 25 м дан ошмаслиги, шунингдек улар ўзаро кенглиги 1,6-2,0 м бўлган йўлаклар билан боғланиши керак.

Кўришда нуқсони бўлган болалар учун терренкур (пиёдалар йўлакчалари) ташкил этишда кўприкчалар, жой рельефи бўйича йўл ташкил этиш, уларнинг йўналишини ўзгартириш кўзда тутилади. Бундай болалар учун турли мақсадлардаги атроф-муҳитни ўзлаштириш ва компенсация реакцияларини ривожлантиришга мўлжалланган махсус майдончаларни кўзда тутиш лозим.

## **5-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари**

### **1-§. Умумий талаблар**

34. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг ҳажмий-режавий ечимлари СанҚваН № 0266-09, ШНҚ 2.08.02 ҳамда ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ бўлиши керак.

35. Ёнғин хавфсизлиги ва ногиронлиги бўлган болаларни бинолардан эвакуация қилишни таъминлаш ШНҚ 2.01.02 ва ШНҚ 2.08.02 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

36. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларида кўришда нуқсони бўлган ва кар бўлган болалар учун ҳаракатланиш ва эвакуация йўллари, техник воситалари, муҳандислик жиҳозлари, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун махсус кўтарма қурилмалар, шунингдек биноларнинг ҳажмий-режавий ечимлари ШНҚ 2.07.02 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилади.

37. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларининг хоналарини табиий ва сунъий

ёритишга, шамоллатишга, микроклим кўрсаткичларига бўлган санитария-гигиена талабларини таъминлаш, хоналарни ертўла ва яримертўла (цоколь) қаватларида жойлаштириш бўйича лойиҳа ечимлари ШНҚ 2.01.05, ҚМҚ 2.04.05 ва ШНҚ 2.08.02 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ўқув хоналари ва устахоналардаги табиий ёритиш коэффициенти камида 1,5%, кўришда нуқсонли бўлган болалар учун ўқув хоналари ва устахоналарда – 2,0–2,5% бўлиши лозим.

Хоналарни шовкиндан ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар ШНҚ 2.01.08 га мувофиқ кўзда тутилиши лозим.

38. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг биноларини лойиҳалашда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

ўткир бурчакларнинг думалоқлаштирилиши (радиус 0,05 m);

хоналардан чиқиш эшиклари тавақалари ҳаракатланишга тўсқинлик қилмаслиги;

ойна солинган эшикларни қўлламаслик;

иккинчи ёруғлик билан ёритишни ташкил этишда ойна қўйиладиган дераза ўринларини пол сатҳидан камида 1,5 м баландликда жойлаштириш ва уларни синишдан ҳимояловчи сеткалар билан таъминлаш;

машғулотлар учун синф хоналари, плеопто-ортоптик хона, логопедия хонаси шовкинли, электр ускуналари ўрнатилган хоналар ҳамда лифт шахталари билан туташ бўлмаслиги;

гуруҳ хоналарида, ўйин ва овқатланиш хоналарида, ўқув хоналарида дераза токчалари пол сатҳидан камида 0,8 m баландликда бўлиши.

39. Кўришда нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тўсқинликсиз эркин ҳаракатланиш таъминланиши лозим. Бунда, бино вестибюлларида ҳамда ҳаракат йўналишида ҳеч қандай бўрттиқлар, колонналар, остоналар ёки пол юзасининг сатҳида паст-баландликлар бўлмаслиги керак.

Ҳаракатланиш йўлаклари ШНҚ 2.07.02 ни ҳисобга олган ҳолда махсус қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

## **2-§. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг ҳажмий-режавий ечимлари**

40. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг бинолари 2-жадвалда келтирилган хоналарнинг таркиби ва майдонларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади.

2-жадвал

Гуруҳ хоналари	Майдони, m <sup>2</sup> , 1 ўринга, ногиронлиги бўлган болалар учун			
	кўришда нуксони бўлган болалар учун	эшитиш ва нуткида нуксонлари бўлган болалар учун	таянч-ҳаракат аппаратида нуксони бўлган болалар учун	интеллектуал ривожланишида нуксонлари бўлган болалар учун, олигофренлар
1. Ечиниш хонаси (қабулхона)	1-0,8	0,8-1,0	1,2	0,8-1,0
2. Гуруҳ хонаси (ўйин, овқатланиш)	3,5	3,0-3,5	3,5-4,0	3,5-4,0
3. Машғулот учун синф (хона)	3,0-3,5	2,5-3,0	3,5	2,5-3,0
4. Ухлаш хонаси	3,5-4,0	3,5	4,0	3,5
5. Ҳожатхона	0,85	0,8	0,9-1,0	0,8
6. Буфет	0,25	0,25	0,25	0,25
7. Гуруҳ машғулотлари учун логопедия хонаси (10-12 m <sup>2</sup> )	-	икки гуруҳга битта хона	-	-
8. Плеопто-ортоптик хона (20 m <sup>2</sup> )	икки гуруҳга битта хона	-	-	-

41. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг типлари ва уларнинг сифими мазкур ШНҚнинг 3-иловасида назарда тутилган.

42. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларнинг гуруҳларида болалар сони 12 тадан, алоҳида ҳолатларда (тиббий ва педагогик талабларга кўра) – 7-10 тадан ошмаслиги керак. Филайлиги бўлган ва амблиопияли болалар учун гуруҳларда уларнинг сони 15 нафарни ташкил этиши мумкин.

43. Болаларнинг ёшига қараб гуруҳлар таркиби СанҚваН № 0266-09 га мувофиқ қабул қилинади.

44. Гуруҳ хоналаридан, мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари залларидан очик зинапоя бўйича эвакуация чиқиш йўллари ташкил қилиш эшитиш ва нуткида нуксонлари бўлган 5-7 ёшли болалар учун кўзда тутилиши мумкин. Кўришда нуксони бўлган, таянч-ҳаракат аппаратида нуксони бўлган болалар ва акли заиф болалар учун эвакуация мақсадида очик зинапоялардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

45. Ҳар бир гуруҳ хоналари бошқа гуруҳ хоналаридан ўзаро ажратилган бўлиши лозим. Бунда, гуруҳ хоналари жамоат ва тиббий хоналари ҳамда мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари заллари билан қулай боғланиши керак.

Ҳар бир гуруҳда ўйнаш ва ухлаш хоналари хожатхоналар билан қулай боғланиши керак. 4 ва ундан катта ёшдаги болалар учун хожатхоналар ўғил ва қиз болалар учун алоҳида бўлиши керак.

46. 12 нафар болали гуруҳ учун 3-4 унитаз, 2 писсуар, 3-4 қўл ювгич, 1-2 оёқ ванналари, 1-2 душ сеткалари кўзда тутилиши лозим. Иккита гуруҳ учун битта ванна хонаси кўзда тутилиши мумкин.

Кўришда ва таянч-ҳаракат аппаратида нуксони бўлган болалар учун санитария узелларида махсус тутқичлар кўзда тутилиши лозим.

47. Логопедия коррекцияси машғулотлари учун хона камида 30 m<sup>2</sup> бўлиши керак.

48. 45 – 90 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари учун майдони 70 – 75 m<sup>2</sup> бўлган универсал

зал кўзда тутилиши мумкин.

90 ўриндан кўп бўлган сиғимда ҳар бир зал майдони  $60 \text{ m}^2$  дан кам бўлмаслиги лозим.

100 – 120 ўринли кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида  $70 \text{ m}^2$  ли мусика машғулоти учун зал ва майдони  $80 - 100 \text{ m}^2$  (баландлиги  $4,2 - 4,5 \text{ m}$ ) бўлган жисмоний тарбия-гимнастика зали кўзда тутилади.

24 – 36 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида заллар кўзда тутилмаслиги мумкин.

49. Соғломлаштириш машғулоти учун бассейнларни кўзда тутиш тавсия этилади ( $3 \times 6 - 6 \times 12 \text{ m}$ ) ҳамда уларнинг ўлчамлари ва таркиби лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

50. Тиббий хоналар таркибига шифокор хонасини ( $12 \text{ m}^2$ ), муолажа хонасини ( $14 \text{ m}^2$ ) ва изолятор киради. Бунда, ушбу хоналарни хўжалик хоналари, ошхона ва кирхонадан алоҳида ажратилган ҳолда биринчи қаватда жойлаштириш лозим.

Изолятор  $6 \text{ m}^2$  дан иккита палатага, даҳлизга ( $3 \text{ m}^2$ ) ва санитария узелига ( $3 \text{ m}^2$ ) эга бўлиши керак. Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун палата камида  $9 \text{ m}^2$ , санитария узели эса  $4 \text{ m}^2$  (махсус тутқичларни ўрнатиш билан) бўлиши лозим.

Офтальмолог хонаси таркибида  $3 \times 6 \text{ m}$  ўлчамдаги (деворлари тўқ яшил рангга бўялган) қоронғи хона кўзда тутилиши керак. Офтальмолог хонаси бўлмаган,  $24 - 36$  ўринга мўлжалланган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида  $3 \times 6 \text{ m}$  ўлчамдаги қоронғи тиббий хона бўлиши керак.

Тиббий хоналарнинг таркиби ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 5-иловасида назарда тутилган.

51. Маъмурий, хўжалик ва ошхона блоки хоналари ушбу ШНҚнинг 6-иловасига ҳамда ШНҚ 2.08.02 га мувофиқ лойиҳалаштирилади.

#### **7-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) биналарининг ҳажмий-режавий ечимлари**

52. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) хоналари (секция, блок) қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

мактабгача тайёрлаш гуруҳлари учун ўқув ва турар-жой секциялари;

кичик ёшдаги (I-IV синф) болалар учун ўқув ва турар-жой секциялари;

катта ёшдаги (V-XI синф) болалар учун турар-жой секциялари;

мактаб ўқув хоналари (предметлар бўйича хоналар, табиий фанлар лабораториялари, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари);

маданият хоналари (маънавият-маърифат хоналари, кутубхона-ахборот маркази, тўғараклар, мажлислар зали, кўرғазма зали, радиузел, техник марказ);

ўқув-спорт блоки (спорт зали, тренажёр зали, бассейн, душхоналар, ечиниш хоналари ва санитария узеллари);

тиббий блок (реабилитация, даволаш, муолажа, изолятор ва шифокорлар хоналари);

маъмурий-хўжалик хоналари;

реабилитация ва коррекция машғулоти хоналари;

кўриш ва эшитиш гидрокини ривожлантириш, талаффузни ўргатиш хоналари;

даволаш-жисмоний тарбия хонаси;

ижтимоий-маиший ва бошқа машғулотлар учун хоналар.

53. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) сифими ва комплектацияси мазкур ШНҚнинг 4-иловасида назарда тутилган.

54. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) кичик ва катта ёшдаги болалар учун секциялар ўзаро бир-биридан ажратилиши, ушбу муассасаларнинг ўқув хоналари билан қулай боғланиши, болаларнинг мақбул яшаш, ўқиш, даволаниш ва реабилитация қилиш шароитлари таъминланиши лозим.

Бунда, секциялар кесиб ўтиладиган бўлмаслиги керак.

55. Ҳар бир секция камида иккита алоҳида жойлашган, туташ ҳудудга мустақил кириш-чиқиш жойларига эга бўлиши керак.

56. Кичик ёшдаги ҳамда мактабгача тайёрлаш гуруҳларидаги болалар учун ўқув ва турар жой секциялари 3-жадвалда назарда тутилган хоналарни ўз ичига олади. Тарбияланувчи (ўқувчи)ларнинг ҳисобий сони лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

3-жадвал

Хоналар номланиши	Хоналар майдони, м <sup>2</sup>		
	Мактабгача ёшдаги болалар – тайёрлов синфи (12 киши)	I–II синф 2 та синф - 24 киши (ақли заифлар учун 32 киши)	III–IV синф 2 та синф - 24 киши (ақли заифлар учун 32 киши)
Қабулхона, гардероб, вестибюль	15-18	30-36	30-36
Ухлаш хонаси (мактабгача ёшдаги болалар учун – 3,5 м <sup>2</sup> /киши, кўришда нуқсон бўлган ва БЦФ** бўлган, ҳаракат функциялари бузилган болалар учун - камида 4 м <sup>2</sup> /киши; ўқувчилар 4,0-4,5 м <sup>2</sup> /киши)	42 (21x2) кўришда нуқсон бўлган ва БЦФ бўлган болалар учун 48-54* (24-27)x2	96 (4-6 хона) кўришда нуқсон бўлган ва БЦФ-108 бўлган болалар учун (6 хона), ақли заифлар учун -128 (5-7 хона)	96 (4-6 хона) кўришда нуқсон бўлган ва БЦФ-108 бўлган болалар учун (6 хона), ақли заифлар учун -128
Ўйин хонаси (мактабгача ёшдаги болалар - 2,5 м <sup>2</sup> /киши, ўқувчилар - 1,25 м <sup>2</sup> /киши, хона камида 30 м <sup>2</sup> )	30(40)*	30-40 кўришда нуқсон бўлган ва БЦФ - 40 бўлган болалар учун	30-40
Синф	32-36(40)	36(40)*	(40)*

Қўл меҳнати учун устахона		4 синфга битта хона 40(50)*	
Индивидуал машғулотлар, дарс тайёрлаш учун хона		12(16)*	12(16)*
Буфет билан ошхона	36	Умумий мактаб ошхонасида	
Ўғил болалар ва қизлар учун ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари (унитазлар, қўл ювадиганлар, оёқ ювиш учун мослама) душхона, ванна хона	Майдони санитария анжомлари миқдорига мувофиқ қабул қилинади		
Маиший хона (кир ювиш, қуриштириш, кийим дазмоллаш )		10-12	10-12
Тарбиячи хонаси (санитария узели билан – унитаз, душ, қўл ювгич)	$\frac{12}{(8+4)}$	$\frac{12}{(8+4)}$	$\frac{12}{(8+4)}$
Болалар шахсий буюмлари омборхонаси	5-6	6-8	6-8
Тозалаш анжомлари учун хона	5	5	5
* Қавс ичида қўришда нуқсонли бўлган болалар ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонли бор болалар учун хоналар майдонлари келтирилган. ** БЦФ (БЦФ) – болалар церебрал фалажи.			

57. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (мактаблар, мактаб-интернатлар) ухлаш хоналари ўғил ва қиз болалар учун алоҳида бўлиши керак.

58. Ҳар бир турар жой секциясида навбатчи тарбиячи хонаси кўзда тутилади.

59. Катта ёшдаги болалар учун турар жой секциялари, одатда 3 та синфга ёки 36 нафар болалар, шунингдек ақли заиф болалар учун – 2 та синф ёки 30 нафар болалар ҳисобидан кўзда тутилади.

Турар жой секциялари таркибига яшаш хоналари, санитария-маиший, дам олиш ва мустақил машғулотлар хоналари киради. Ушбу секцияларда ўқув хоналари кўзда тутилмайди.

Ўғил ва қиз болалар учун алоҳида турар жой секцияларини кўзда тутиш тавсия этилади.

60. Катта ёшдаги болалар учун турар жой секцияларининг таркиби ва майдонлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Хоналар	Мактаб-интернатлар хоналарининг майдони, m <sup>2</sup>		
	Эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун	Кўришда нуқсони бўлган болалар учун, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, БЦФ билан касалланган болалар учун	Интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун
	3 та синф – 36 киши	3 та синф – 36 киши	2 та синф – 32 киши
Гардероб хоналар билан вестибюль – 0,75–0,8 m <sup>2</sup> /киши учун	27	30-32	24-26
Ухлаш хоналари – 4,0–4,5 m <sup>2</sup> /киши учун	144 (4-6 кишили хоналар)	162 (4 кишили хоналар)	128 (6-8 кишили хоналар)
Дам олиш хонаси – меҳмонхона	24	30	24-30
Индивидуал машғулотлар учун хона	16	16	–
Ҳожатхоналар (гигиена кабинаси билан), ювиниш хоналари, душхоналар, тахминий майдони	Майдони санитария анжомлари сонидан (6-жадвал) келиб чиқиб қабул қилинади		
1–1,2 m <sup>2</sup> /киши ҳисобидан	36-40	40-43	33
Маиший хоналар (кийимни тозалаш, ювиш, дазмоллаш хоналари) 0,4–0,5 m <sup>2</sup> /киши	15-18	20	15
Навбатчи тарбиячи хонаси (душли санитария узели билан)	<u>12</u> (8+4)	<u>12</u> (8+4)	<u>12</u> (8+4)
